ЎЗБЕКИСТОНДА ЯНГИ ИШЧИ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШНИ КЎПАЙТИРИШ, КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШ ОМИЛИ.

Бахтиёр Ботиров и.ф.н., доц., SAMBHRAM университети

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистонда янги ишчи ўринлари яратишда Тадбиркорлик уйларини ахамияти ва камбағалликни қисқартириш омиллари ҳамда Президентимизнинг камбағалликка қарши кураш чора-тадбирлари ҳақида керакли маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: камбағаллик ҳолати, “камбағаллик” ва “камбағаллик қопқони” тушунчалари, «Колл-сентр» фаолияти, “Тадбиркорлик уйлари” “Миллий услубдаги Автоуй тиркамалари”, ишлаб чиқариш.

Аннотация

В данной статье представлена необходимая информация о значении бизнес-домов в создании новых рабочих мест в Узбекистане, факторах снижения бедности и мерах нашего Президента по борьбе с бедностью.

Ключевые слова: статус бедности, понятия “бедность” и “ловушка бедности”, деятельность «Колл-центра», “предпринимательские дома”, “автоприцепы в национальном стиле”, производство.

Annotation

This article provides the necessary information about the importance of business houses in creating new jobs in Uzbekistan, poverty reduction factors, and measures of our President to fight against poverty.

Keywords: state of poverty, concepts of "poverty" and "cover of poverty", activities of "Koll-center", "business houses" "national-style Avtouy trailers", production.

Янги ишчи ўринларини яратиш макроиқтисодий вазифалардан биридир. Ҳар қандай мамлакатда аҳоли бандлигини таъминлаш доимий устувор масала бўлиб келган. Айниқса, энди ривожланаётган давлатларда бандликни таъминлаш ва янги ишчи ўринларини яратиш кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлардан бирига айланади. Ўзбекистонда ҳам сўнгги беш йил давомида ҳар йили деярли беш юз мингга яқин ишчи ўрни яратилмоқда. Ўзини-ўзи банд қилишнинг самарали механизмларидан фойдаланилмоқда. Ўзбекистонда ҳукуматнинг кам таъминланган аҳоли улуши тўғрисидаги расмий маълумотларига кўра, камбағаллик даражаси 2000 йилдаги 28 фоиздан 2019 йилга келиб, 11 фоизгача тушган, бунда камбағалликнинг қисқариш даражаси йилдан йилга пасайган.

Аҳолининг камбағал қатлами мамлакатга хос бўлган тезкор иқтисодий ўсишдан фойда кўриш имкониятидан маҳрум бўлибгина қолмай, жамиятнинг турли соҳаларида иштирок этиш имконияти чекланганлиги туфайли ривожланишга ҳам ҳисса қўша олмайди. Давлат бепул ўрта таълимни таъминлайди, тиббий хизматларнинг асосий пакетини кафолатлайди, “ижтимоий аҳамиятли ва хавфли” шароитлар учун парвариш заиф деб таснифланган гуруҳларга ихтисослашган ёрдам ва кам таъминланган оилаларга имтиёзлар беради. Аммо, бунданда кўпи амалга оширилиши лозим[103].

Чунки камбағаллик ҳолатида тушиб қолишдан кўра, ундан чиқиб кетиш кўп карра қийинроқ. Ўзи қишлоқ шароитида яшовчи камбағал одам касал бўлиб қолган шароитда докторга учрашиш учун шаҳарга қатнашига тўғри келади. Унинг дори-дармон харажатларига йўл кира ҳам кўшилади. Камбағал оила фарзанди пул топиш илинжида таълим олиш имкониятидан маҳрум бўлиб қолиши мумкин, бу эса унинг келажакдаги

[103] “ Logistika va iqtisodiyot” ilmiy electron jurnal.T:-2020. 2 son. B. 28

даромадлари даражасига таъсир этади. Шунинг учун ҳам кўп ҳолларда “камбағаллик” ва “камбағаллик қопқони” тушунчалари бирга ишлатилади[104].

Президент Ш.Мирзиёев Бир ҳақиқатни аниқ тушуниб олишимиз керак: камбағалликни қисқартириш учун биринчи навбатда ишсизликни камайтириш керак. Аввало, аҳолини замонавий касб-ҳунарларга ўқитиш, уларнинг иқтисодий ва молиявий саводхонлигини ошириш, одамларда, айниқса аёлларимизда тадбиркорликка иштиёқни уйғотиш зарур.

Биз бу борада жаҳон ҳамжамияти тажрибасини атрофлича ўрганиб, халқаро ҳамкорликни йўлга қўймоқдамиз. Айни вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Жаҳон банки каби нуфузли халқаро ташкилотлар, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа давлатлар билан тадбиркорлик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, камбағалликка қарши кураш бўйича шу йилнинг ўзида 700 миллион долларлик дастурларни амалга оширишни кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистондаги камбағалликнинг янада аниқ тасвирини унга қарши кураш бўйича асосий чора-тадбирлар ва тавсияларнинг мазмунини белгилайди. Ушбу соҳада олиб борилган тадқиқотлар натижаларига кўра, кам таъминланган оила 7 кишидан иборат бўлиб, оила бошлиғининг ўртача ёши 50 ёшдан юқори ва у олий маълумотга эга эмас. Жумладан, 11% кам таъминланган оиланинг бошлиғи ишсиз, 93% ҳолатларда эса олий маълумотга эга эмас ва фақат 24% ўрта махсус маълумотга эга. Кам таъминланган уй хўжаликларининг 43% доимий иш жойига эга эмас, 93% марказий иситиш тизимига, 96% марказий канализация тизимига ва 66% марказий сув таъминотига уланмаган.

Прогнозлаш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти томонидан БМТ Тараққиёт дастури кўмагида олиб борган шунга ўхшаш тадқиқотлар натижаларига кўра эса республикада кам таъминланган уй хўжаликларининг аҳволини қуйидагича тавсифланиши мумкин: улар 3 болали қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи, оила аъзоларининг маълумот даражаси юқори бўлмаган ва чет элда меҳнат қила оладиган меҳнатга лаёқатли аъзоси бўлмаган уй хўжаликларидир. Шу билан бирга, кам таъминланганлик даражаси аниқ минтақавий хусусиятга эга.

Хусусан, энг кам таъминланган уй хўжаликлари болалари кўпайиши сабабли каттароқ эканлиги, шунингдек, ишлайдиган катталар сони камлиги қайд этилган. Эркаклар орасида фаровонлик даражаси ҳар хил бўлган гуруҳлар ўртасида меҳнат ҳолатида жиддий тафовут йўқ. Бироқ кам таъминланган аёлларнинг ишчи кучи таркибидаги иштироки анча паст, ҳар учинчи кам таъминланган оиланинг бошлиғи аёл киши. Истеъмол (даромадлар) ўртасидаги тафовутни белгиловчи учта энг муҳим омил бу оила бошлиғларининг жинси, маълумоти ва бандлик ҳолати[105]. Мамлакатнинг камбағаллик муаммосини ҳал қилишда аксарият минтақаларда таълим сифати, бандлик даражаси, уй-жой билан таъминланганлик имкониятлари ва яшаш шароитлари муҳимлигини тасдиқлайди.

[104] Ўзбекистонда камбағаллик даражаси. Камбағалликни камайтириш учун нима қилиш керак? https://review.uz/oz/post/ozbekistonda-kambagallik-darajasi-kambagallikni-kamaytirish-uchun-nima-qilish-kerak 5.11.2020

[105] Ш.М.Мирзиёевнинг “Махаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш бўйича давлат сиёсатининг устивор йўналишлари тўғрисидаги” фармони ПФ-29-сон 3 декабр 2021 йил







Президент Ш.Мирзиёэв томонидан мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва ишчи ўринларни кўпайтириш бўйича кўп ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада мухтарам Президентимиз ва Вазирлар Махкамасиниг қатор қарорлари хамда дастурлари қабул қилинган бўлиб, Темир дафтар ёшлар дафтарларида рўйхатда турган инсонларга янги иш ўринлар яратиш ишлари олиб борилмоқда. Янги иш ўринлар яратиш Республика дастурига асосан вилоятни маьлум худудларида иш ўринлари яратилмоқда. Менинг “Миллий услубдаги **Автоуй тиркамалари**, **Тадбиркорлик уйлари** ишлаб чиқариш” саноат намунамга Ўзбекистон Республикаси Интелектуал мулк агентлиги томонидан 29. 12. 2018 йилда (№ **САП 01861**) Патенти берилганАвтоуй тиркамадаги қулай шароитлар (йиғма диван, телевизор,газ плитаси, душ, санузель, қуёш панели, 300 л сув идиши) уларни республикамизни сўлим табият манзаралари, обидалари, дарёлар, тоғлар, кўллар ён бағирларида ўрнатиш мумкинлиги, туризм мавсуми пайтида жойлар етишмаслиги муоммосини камайтиришга кўмаклашиб, Ўзбекистонда туризмнинг янги йўналиши “Автотуризм” йўналишини бошланишига, “Экотуризмни” ривожланишига улар билан вилоятимизнинг сўлим жойлари Зомин, Бахмалда ҳамда Айдар-Арнасой кўллар тизими, М-39 автомобил йўли бўйларида, хамда мамлакатимизни бошқа худудларида юқори савиядаги автотуризм хизматларини кўрсатиш зиёрат,спорт,овчилик, балиқчилик сайёхлиги

ривожланишига, ҳамда Автоуй тиркамаларини ижарага берувчи, Фудтракларда “Миллий ўзбек таъомлари”ни тайёрлаб, етказиб берувчиларга кўплаб иш ўринлари яратилади.

Ёшларга, аёлларга, ишсизларга маиший хизмат кўрсатиш(сартарошхона, гўзаллик салони,кимёвий тозалаш, тикув цехи, компьютер хизматлари, пайнет,пойавзал таъмирлаш устахонаси), савдо(озиқ- овқат,кунлик эхтиёж товарлари, ўйинчоқлар,концелярия моллари) учун кўчма (енгил конструкция) **Тадбиркорлик уйлар** ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали, мамлакатимиздаги мавжуд **9225** та махалларга мана шундай кўчма **Тадбиркорлик уйларидан** биттадан ўрнатилса (хар бирида 2 тадан ишчи ўрни яратилганда), республимиз бўйича қўшимча **18450** та ёки Жиззах вилоятидаги **308** та махаллага мана шундай кўчма, **Тадбиркорлик уйлари**дан биттадан ўрнатилса (хар бирида 2 тадан ишчи ўрни яратилганда), **вилоятимиз бўйича қўшимча 616 та ишчи ўрни яратилиб, мана шунча фуқароларимизни камбағалликдан чиқариш имконияти пайдо бўлади**.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ”Ўзбекистон-2030” стратегиясини ”Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисидаги фармони. П-37 сон 2018 йил, 21феврал.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил, феврал.

3. Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат Қўмитаси расмий сайти- https://uzbektourism.uz/

4. Х. Аюпов, Г. Р. Болтабоева «Кичик бизнес ва тадбиркорликда инновацион ривожланиш йўналишлари» Т.:ТМИ, 2018 й.

5. Botirov Bakhtiyor Fayzullaevich, & Usmanov Azamat Juraboevich. (2020). Melon in Uzbekistan - economic effectiveness of introduction of "melon, watermelon syrup", "watermelon honey", "mango" beverage from watermelons. International journal of discourse on innovation, integration and education, 1(4), 136-138. Retrieved from

6. Usmanov, A. (2020). Ўзбекистон бетакрор туристик мамлакат: тарихий далиллар, имконият ва истиқбол 27-32 bet. *Архив Научных Публикаций JSPI*, *1*(13), 1-143. извлечено от https://science.i-edu.uz/index. php/archive_jspi/article/view/3415

7. Gulmira, U. (2023). The need to attract foreign investments to the national economy on a large scale. *Academia Science Repository*, *4*(5), 314-319.